

Ш А Р Т Н О М А № 2022-437-11-168-ОВ

«09» июн 2022 йил

Маргилон ш.

Маргилон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари И. Ниязов

(хужалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буен бир томондан «Харидор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан

ООО ORIENT LIDER STORY раҳбари А. Нурматов

(хужалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буен «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли булган мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса қабул қилиб олинган маҳсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи мамлакат	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Лоток ЛР 6 т/б	Ўзбекистан	Дона	66	3575758	236000028
2	Лоток ЛК 6 т/б	Ўзбекистан	дона	30	2000000	60000000
						296000028

296000028 (Икки юз тўқсон олти миллион йигирма саккиз) сўм
(рақамлар, езувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (курсатилган хизмат) нинг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан утқазиб юли билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро қелишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний қучга қиргандан сўнг товарни 3 (уч) қун мудат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар еки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб қикариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос қелиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;
- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

Қўриб қикган юрист: MIRAXMEDOV MIRZOXID MIRZAA[MEDOVICH. Хужжат рақами: OX3786271086

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тугрисида билдиришнома олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк бахосини кайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини хисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сунг, ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-варақлар бўйича туловлар амалга оширилишига йул қуйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидор»га товар ва махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,4 % микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу махсулот қийматининг 20 % микдорида жарима тулашига сабаб булади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар еки махсулот учун туловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ булмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар еки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга қура ва енгиб булмас қуч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулодда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган қуч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш еки қушимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини қафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш кунни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш борасида:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тугрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш; ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самаралиишлашини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

9.4. Мазкур шартнома томонлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ва хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, ҳолисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид

бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ва бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

9.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, узгартириш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Узаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо ҳужалик суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабр гача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга қиради.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

ООО ORIENT LIDER STORY раҳбари

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил г. Фергана ул Фаробий 9/1

Тел 999979799

х/в 20208000204579305001

Банк номи. Универсал банк Ферганский фил.

МФО 01131

СТИР 300210387

Раҳбар



А. Нурматов

«ХАРИДОР»

Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Мустақиллик 452 а уй

ш/х* 401722860304127065100004

СТИР 200138992 ОКОНХ 90290

Молия вазирлиги Газначилиги

Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи Марк. Банк Тошкент ш. бош

бошқармаси ХККМ

МФО 00014 СТИР 201122919

Раҳбар

И. Ниязов



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA

2022-yil 9-iyun.

Marg‘ilon shahar.

1. Loyihaning raqami: IX 05802605.

2. Loyihaning turi: shartnoma.

3. Loyihaning nomi: OOO ORIENT LIDER STORY tomonidan 296 000 028 (Ikki yuz to‘qson olti million yigirma sakkiz) so‘mlik Lotok LR 6 t/b markali tovar yetkazib berish to‘g‘risida.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma‘lumot: Marg‘ilon shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 8-iyun kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy hulosa: Loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni talabiga asosan ishlab chiqilganligini inobatga olib uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marg‘ilon shahar YuXK markazi
bosh yuriskonsulti**



M.M.Miraxmedov